

**ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА НУТҚИЙ ЭТИКЕТГА ОИД  
БИРЛИКЛАРНИНГ ЛИНГВОПРАГМАТИК ЎЗИГА ХОСЛИГИ**

**Хусайнова Зебо Икрамовна,**  
Урганч Давлат Университети  
мустақил изланувчиси  
[zeboxusainova@gmail.com](mailto:zeboxusainova@gmail.com)  
<https://doi.org/10.5281/zenodo.14205308>

**Аннотатсия:** Мазкур мақолада инглиз ва ўзбек лингвожамиятининг нутқидаги ишлатиладиган нутқ этикети бирликлар, уларнинг прагматика хусусиятлари, мулоқотдаги асосий функциялари берилган. Шунингдек, нутқ этикетини ифода қиладиган нутқ формалари, уларнинг иккала лингвожамият нутқларидаги актуаллиги, уларнинг контекстдаги маъно хусусиятлари очиб берилган. Бундан ташқари, иккалар лингвожамият вакиллари томонидан қўлланиладиган фатик, унинг коммуникация жараёнига таъсири, ҳам муҳокама қилиниб, унинг шахслараро муносабатларда, хушмуомилалик, унинг меъёрларга риоя қилиниши ва ритуал нутқ хатти-ҳаракатларга таъсири ҳақида гап борган.

**Калим сўзлар:** Нутқий этикет, ассалому алайкум, хуш келибсиз, раҳмат, илтимос, кечиринг, кечирасиз, мени кечиринг, фатикнинг хусусиятлари, саломат бўлинг, шахсийлик

**Abstract:** The article analyzed the speech etiquette forms of English and Uzbek societies, their pragmatic characteristics, their basic functions in communication. Also, the speech etiquette forms, actualization in both lingua-societies, the meanings in the context, as well as phatic being used by representatives of both lingua societies, discussing its influence to communication and ritual speech acts, its role in interpersonal communication, courtesy, how to follow the norms are revealed.

**Key words:** Welcome, sorry, excuse me, thank you, please, I am sorry, speech etiquette, the features of phatic, you are welcome, Could you please? Can you ... please? privacy

Нутқий этикет жамиятнинг маданий одоб ахлоқини мулоқотда акс эттирадиган, мулоқотнинг мазмунини англантишга ёрдам берадиган, инсонларнинг мулоқотини шакллантиришга ва ривож топишига ёрдам берадиган муҳим воситадир. Шунингдек, коммуникантларининг муносабатида маданий меъёрларни ва одобни мужассамлаштириб, бошқа лингвожамият вакиллари билан мулоқотда ўз аксини топадиган муҳим концепциядир. Маданиятли ва одобли мулоқотнинг асосий тамойилларини ташкил қиладиган нутқий этикет, мулоқотда аҳамиятли ва кўплаб ижтимоий ва маданий функциялари билан боғлиқдир. Мулоқотдаги нутқ этикети формалари – саломлашиш, миннатдорчилик билдириш, ҳамдардлик, ачиниш, ёки илтимос қилиш, хайрлашиш каби ҳаракатлар бўлиб, бу шакллар маданий қадриятлар ва ижтимоий қоидалар билан белгиланган бўлади, ва ҳар бир жамиятда ўзининг

индивидуал хусусиятларига эгадир. Мисол қилиб айтадиган бўлсак, япон маданиятида катталарга ҳурматда ва эҳтиромда бўлиш тамойили, ўзбек маданиятига хос конвенционал мулоқотнинг адаб нормалари асосида амалга оширилади.

Мулоқотдаги нутқий этикет, одоб ахлоқ меъёрларга таяниш, ҳар бир лингвожамият вакиллариининг прагматик хусусиятини намоён қилишида асос бўлиб ҳизмат қилади. Масалан, Европа ва Америка қитъасидаги мамлакатлар мулоқотида, кўпроқ шахсий ҳудудга тааллуқли бўлган маълумотларга ва нарсаларга эҳтиёт бўлиб қараш таълаб қилинади. Шарқий мамлакатларида эса бироз фарқли бўлиб, катталарга ҳурмат юзасидан қараш ва оилавий анъаналар муҳим саналади.

**Инглиз ва ўзбек лингвожамияларининг мулоқотида нутқий этикет бирликларининг контекстуал аҳамияти.** Ўзбек тилида катталарга нисбатан кўрсатилган ҳурмат, инглиз тилида эса мулойимлик ва юмшоқлик билан белгиланади. Бу фарқлар мулоқот жараёнидаги ижтимоий муносабатларни ва коммуникациянинг самарадорлигини кўрсатади.

Нутқий этикетнинг лингвопрагматик ўзига хосликлари ҳар бир тил ва маданиятда муайян хусусиятларга эга бўлиб, уларнинг мулоқотдаги аҳамияти турли маданиятларнинг ижтимоий ва лингвистик контекстларида аниқланади. Ўзбек ва инглиз тилларида нутқий этикетнинг таҳлили, маданий ва ижтимоий муносабатларнинг ўзгаришини тушунишга ёрдам беради ва уларнинг коммуникация жараёнидаги ўрни ва аҳамиятини кўрсатади.

Ўзбек тилида ҳурмат ва адаб асосида шаклланган нутқий этикет, унинг шакллариининг асосий хусусиятлари қуйидагилардан иборат:

*Илтимослар, миннатдорчилик ва таклифларда* махсус иборалардан фойдаланиш ўзбек нутқий этикетининг муҳим қисми ҳисобланади. Масалан, *"Илтимос"* ( ёрдамга мурожаат қилишда), *"Марҳамат"* (бошқа шахсларга қизиқиш ва эҳтиёт билан ёндошишда), *"Раҳмат"*(миннатдорчилик билдирилганда, шахсга ёрдам ёки хизмат учун раҳмат айтганда) бўлиб, ўзбек лингвожамияти мулоқотида мулойимлик ва одобли муносабатни кўрсатишда ишлатилади.

Масалан, *"Мени чўкиб кетишдан қутқарганиз учун раҳмат"*

*Марҳамат, бу тарафга ўтинг.*

*Илтимос, шу болага қараб туринг!*

*Ассалому алайкум*” ибораси саломлашувнинг анъанавий шакли бўлиб, одатда, мулоқотнинг инициализациясида самимийлик ва хурмат муносабатларни ўрнатишда, ишлатилади. “Бундан ташқари, ислом дининг таъсиридан келиб чиққан лексик бирликлардан ҳам мавжуд бўлиб улар: *“Ассалому алайкум раҳматуллоҳ”, “Ассалому алайкум раҳматуллоҳу ва барокатуҳ”* ёки норазмий тарзда *“Салом”, “Тузукмисиз” “Аҳволлариз қалай”, “Чарчамасдан юрибсизми”, “Аҳволлариз яхшими”, “Саломатлигиниз яхшими?” (Қандай? Қанақа?), “Оилангиздагилар яхшими? (Қандай? Қанақа?)”* бу сўз бирикмалар ўзбек мулоқотига хос кенгайган услубдаги ёки тилнинг фатик хусусияти бўлиб, мулоқотнинг мақсадини тўғридан-тўғри ифодалашдан қочиш орқали мулоқотдаги маданий одоб нормаларга таянишга ва уни адресантга позитив услубда етказишга ёрдам беради. *“Раҳмат”, “Худога(Аллоҳга) шукур”, “Тузук”, “Яхши”, “Бўлади”, “Қониқарли”, “Секин-аста”, “Юрибмиз”, “Секин- секин” “Алҳамдиллоҳ”* каби лексик бирликлари мулоқотдаги адресантнинг ҳам шу нормаларга таъянган ҳолда жавоб бериши кутилади.

*“Хуш келибсиз”* ибораси ҳам субъектнинг реакцияси саломлашишга қаратилгани, бошқа мулоқот иштирокчиларини ижобий кутиб олиш учун ишлатиладиган мулоқотдаги нутқ этикети формасидан бири бўлиб, меҳмонларни хурсандчилик билан қабул қилишни ва уларга хурмат билдиришни кўрсатади.

*Масалан; Хуш келибсиз, ўртоқ Раҳманов! Сизни кўриб бошимиз осмонга етди.*

Ўзбек мулоқотининг расмий контексларида, ёши катталарга ёки жамиятда юқори мақомга ва статусга эга шахсларга, мансабдагиларга нисбатан юқори даражада хурмат кўрсатиш конвенцияси бу *“Сиз”* ва *“Жаноблари”* лексик бирликлари орқали ифодаланиб, коммуникантлардан расмий мулоқотда прагматик хусусиятни таълаб қилади. Мулоқотдаги профессионал ва маданий конвенцияларга асосланган муносабатларни муҳимлигини кўрсатади.

*Хурматли, президент жаноблари, сиздан жуда миннатдормиз.*

*Ҳоким жаноблари бизнинг қишлоғимизга ташириф буюрадилар.*

*Сизга манзур бўлганидан хурсандман, -деди чўпон хушмуомилалик билан* Ўзбек мулоқотига хос бўлган маданий конвенцияларни ўзида жам қиладиган нутқий этикетдаги прагматингвистик хусусиятни, кичик ёшдаги коммуникантларни хурмат доирасидаги мулоқотга мослаштириш, ижтимоий

муносабатларда ёки оилавий алоқаларда катталар ва кичиклар ўртасидаги тўғри муносабатларни сақлашга ёрдам беради.

Масалан; *Ўғлим, сиз мени бир қучоқлаб қуйингчи? Қани?*

Ҳар бир тилнинг ижтимоий ва нутқий муносабатлари, ўша лингвожамятнинг конвенциялари билан боғлиқ бўлгани каби, инглиз коммуникациясида ҳам нутқий этикет формалари, одоб нормаларига таянади ва у ўша лингвожамят вакиллари мулоқотида, муносабатларида яққол намоён бўлади.

Бу тилнинг мулоқотида кўпинча, нутқий этикетнинг функционаллиги, унинг ўша мулоқот иштирокчиларининг юмшоқлиги ва мулойимлик билан этикет нормаларига амал қилиш, тамойилига таянади. Масалан; *"Please" (илтимос)* ва *"Thank you" (рахмат)*, нутқий этикет формалари коммуникациядаги асосий сегментлардан бўлиб, коммуникантларнинг муносабатларини ўзаро позитив муҳитда қолишига ва *таклиф, илтимос* мурожаатларида ишлатилади. Масалан; *Could you remind me today's meetings after the conference, please? ёки please, take off the seat belt.*

*"Thank you"* сўз бирикмаси миннатдорчилик билдирилганда *"you are welcome"* сўз бирикмаси билан мулоқотни яқунлаш мумкин.

*A: Thank you for waiting me*

*B: You are welcome!*

Шунингдек, *"Please"* лексик бирлик хизмат хақини сўраганда, хизматдан кўнгли тўлганлигини ифодалаганда *Thank you* сўз бирикмаси билан ва ёрдамни позитив оҳангда рад этишда ҳам ишлатилиши мумкин, бу билан мулоқот иштирокчилари ўзининг биринчи имиджига ҳурматни кўрсатиш ва адаб нормаларидан хабардорлик тушунилади.

*Taxi driver: That's £4.50, please.*

*Customer: Here you are*

*Taxi driver: Thank you very much, thank you (if he/she is very grateful)*

*G: You have got a bit of sauce on your cheek, Julia*

*J: Thank you, Gary. I can do it [в.с;2]*

Инглиз тилида гаплашувчи жамиятларда *"кечирим сўраш"* одоб ахлоқ қоидаларининг энг кенг тарқалган сегменти бўлиб асосан кўчада, жамоат жойларида биринчи коммуникант эътиборини жалб қилиш зарурияти бўлганда,

"Excuse me" сўз бирикмаси билан, кимнингдир суҳбатини бузиш, илтимос қилганда, маълумотга эга бўлишда ишлатилади.

*Excuse me! Is it the right way to Picadilly Circus? (маълумот олганда)*

*J: Excuse me, Miss (эйтиборни тортиш учун)*

*F: Yes.*

*J: Hi, It is us?*

*F: And it is me! (nodding) [Friends TV-program]*

*A: Excuse me, could you have a talk for a while? (суҳбатни бузганда)*

*B: Yes, sure. What happen?*

*F: Excuse me, Sir*

*D: Yes?*

*F: this is my seat*

*D: oh, really. Sorry.*

"Excuse me" сўз ибораси ишлатилган вазиятларда адресант контакт ўрнатиш, эйтиборни тортиш, ва намойиш қилиш функцияларини фаоллаштиради. "Excuse me" сўз бирикмаси мулоқотни қисқа тарзда тугатишда ҳам қўлланилади. *Excuse me, take your tickets with you, please?*

Нутқ этикети конвенционал бирликларидан бири бўлиши, *кечирим сўраш* одатий вазиятдаги инглиз коммуникатив маданиятидаги шахслараро мулоқотнинг хусусиятини тасвирлайди. Кечирим сўраш шахсий ва ижтимоий ҳиссий соҳадаги фатик шакл бўлиб, мулоқотда тўсатдан қасддан/ қасддан бўлмаган ижтимоий конвенцияни (одоб қоидалар, шахслараро муносабатдаги ахлоқий меъёрлар) бузилиши тушунишимиз мумкин ёки шахснинг ижтимоий имиджи қийинлаштирилганда, шахслараро муносабатларни тартибга солишда ишлатамиз. "*Кечирим сўраш*" нутқ актлари орқали, коммуникантлар шахслараро масофани ва ижтимоий имиджини сақлашни назорат қилади. Британия коммуникатив маданиятида индивидуализмни устунлигини, бу устуворликка ишонч, ўз ўзини таъминлаш, шахсий эркинликка урғу бериш, ўзи учун жавобгарлик ва шахсий танлов ҳуқуқи деган маънони англатади.[4;198 б]. Ижтимоий имидж (Social face) тушунчаси П. Браун ва С Левинсон томонидан ўрганилган бўлиб, ижтимоий имиджга хурмат, инсоннинг мустақиллик ҳуқуқини, психо-эмоционал истакларини ва бошқа шахснинг ҳаётини

бузмайдиган ҳаракат эркинлигини тан олиш билан боғлиқ. [ the want to have his freedom of action unhindered] [the want of every member that his wants to be desirable to at least some others] [13; 62-129 бетлар]. Шахсий дахлсизлик индивидуалистик маданиятининг қадрияти ҳисобланиб, бу Британия лингвожамиятида ўзига хос лингвистик белгилар билан белгиланади. “Privacy” “state of being private and not disturbed by other people” [6; 814 бет] “state of being able to be alone and not seen or heard by other people; state of being free from public attention”. [7; 1121 бет] “being alone and undisturbed; the right to his freedom from intrusion or public attention” [8; 641 бет]. “*privacy*” - Британия маданиятида шахслараро муносабатга, шахсий маконга ҳурматда бўлиш, шунингдек, бошқаларнинг эркинлигини бузмаслик устувор саналади. [5; 108 бет] Шахсий махфийликка риоя қилиш конвенциялари масалан, британияликларнинг бошқа одамлар билан бир хонада гапираётганда, фақат суҳбатдоши уларни эшитиши учун паст оҳангда гапириши билан амалга оширилиши мумкин. Шахсий автономия нафақат маълум чекланган жойларда, балки жамоат жойларида ҳам масофани сақлашга эътибор қаратилади. [9;10;11;13; ]. Т.В Ларина шуни таъкидлайдики, британияликлар орасида бўлганда, бу жамоат жойлари (транспорт, кўчада, дўконда) биз гўё ҳар бир одам атрофида айнала чизилган ёки қандайдир тўлқинлар тарқалиб, уланишга тўсқинлик қилаётган, одамларни бир-биридан узоқлаштираётган, фақат ўзлари рухсат этилган чегараларга яқинлашса бўладигандек ҳис қиласиз. [1;37-38 бетлар]. Юқоридаги фикрлардан кўриниб турибдики, Британияда коммуникатив шерикнинг ижтимоий имиджи, шахсий макон, махфийлик конвенциялари ва суҳбатдошга фойдали, ҳурматли муносабат конвенциялари аҳамиятлидир. Бу ўз навбатида фатик компетенцияни ташкил қилиб, бунга идрокларни тартиблаш, британия лингвомаданиятини нутқ одоб ахлоқ, шахслараро масофа чегараларни белгилашни киритса бўлади.

Сир эмаски, мулоқот узоқ вақтдан бери шаклланган ва маълум ижтимоий, ритуал нормаларга таянади. Агар мулоқотда зўравонлик, ижтимоий маданий нормаларни бузилиши кузатилса, шахслараро мулоқотни муваффақиятсизлигига ва конфликт окказиционга олиб келади. Британия мулоқот маданиятида конфликт юзага келган вазиятларни енгиб ўтиш учун шахслараро масофани сақлаш конвенцияларини бузилган ҳолатда, шахсий манфаатлар тўқнашувини бартараф этишга қаратилган фатик нутқий ҳаракатлар тизими ишлаб чиқилган. Британия мулоқотидаги кузатишлар шуни

кўрсатадики, жамоат жойларида тез тез кечирим сўраш, айбини тан олиш учун аниқ сабаб бўлмаган ҳолларда ҳам инглиз одоб ахлоқидаги доминант хусусият бўлган хушмуомилалик билан кечирим сўраш одоби нутқ актини ташкил қилади (concern with other people's need not to be intruded or imposed upon . English courtesy [11;408 бет]. Кечирим сураш нутқ формулалари “*Sorry*” “*I am sorry*” “*Excuse me*” жамоат жойларида асосан нотаниш ёки камтаниш бўлган мулоқот иштирокчиларига нисбатан ишлатилади ва жавоб ҳам расмий кечирим келишувини тасдиқловчи қисқа оғзаки ва оғзаки бўлмаган реакция билан ифодаланади. Ҳар бир ахлоқ қоидаларига кўра кечирим сўрашда ахлоқий меъёларга риоя қилмаганлик тақдирда, шахсинг ижтимоий имиджигга зарар етказиш деб тушунилади чунки этник маданий жамиятнинг ҳар бир вакили белгиланган қоида ва конвенцияларга бўйсунити талаб қилинади. Жамоат жойларида ижтимоий ахлоқ одоб қоидалари бузилиши юзага келган вазиятда ноқулайлик ва безовталиқ учун пушаймонликни ифодалайдиган акт “*Excuse me*”, (*Кечирасиз*) “*Sorry*”, (*Афсусдаман*) “*I am sorry*” (*мени кечиринг*) ни қўллаш, шахсинг биринчи имиджигга етказилган зарарни қоплаш учун шунингдек, ижтимоий ўзаро муносабатлар қоидаларидан хабардорлик тушунилади. Универсал саналган формаси “*I am sorry*” кечирим сўрашдан ташқари “*ҳамдардлик*”, “*ўзаро ачиниш*” “*ниманидир қайтариш* учун *мурожат*” сифатида қўлланилади. Бу сўз бирикмаси мавжуд ситуациядаги мулоқот мурожаатни ва шу билан бирга коммуникатив вазиятдаги ошқоро рад қилишдан қочишни ифодаловчи, ёки бизнинг ҳаракатларимиз келтириб чиқариши мумкин бўлган ноқулайликни олдини олиш учун ишлатилади.

Масалан;

A: *Where are you from?*

B: *Edinburgh. But my job's in Oxford*

A: *Good*

B: *This is a nice house*

A: *Thanks. We are happy here. Ok. Ok, Anne...?*

B: *Cigarette?*

A: *I don't smoke. We don't some, do we?*

C: *Er...em. We don't smoke!*

A: *Sorry.*

Мисолдан кўриниб турибдики, хонадош бўлиш учун суҳбатга келган шахс ўзининг чекувчилигини ва бошқа хонадошлар чекишни ёқтирмаслиги орқали унинг улар билан хонадош бўлаолмаслигини “*Sorry*” лексик бирлик орқали рад этилганлигини кўриш мумкин. Афсусланиш ва пушаймонлик эмоционал экспресни вербал актлари шунингдек, “*Pardon me*” “*no offense*”, “*Forgive me*” “*I beg your pardon*” “*I owe you an apology*”, “*Please accept my apologies*”, “*I do apologize for...*” “*Do not be angry with me...*” “*I regret my bad/my mistake...*” “*That was totally on me ...*”, иборалари билан ҳам ифодалаш мумкин. [12;520-534 бетлар]. Ўзбек лингвожамяти мулоқотида коммуникантлар орасида конфликт вазиятни олдини олиш учун “*Кечиринг*”, “*Афсусдаман*”, “*Минг бор узр*”, “*Узрли*”, “*Атайлаб қилмадим*”, “*Бунака бўлишини кутмагандим*”, “*Мени кечиринг*” ёки ислом дини таъсири доирасидаги мулоқот бўлса, “*Тавба қилдим*”, “*Астағфирулло*” сўз бирикмалари ўзбек лингвожамяти мулоқотининг конвенцияларини ўзида акс эттиради ва позитив коммуникация муҳити ва шахслараро муносабатни қайта шакллантиришда аҳамиятлидир. Мулоқотдаги “*Кечирим сўраш*” одоби қўлланиши маълум коммуникатив маданият доирасида амалга оширилади ва асосан у миллий ва ижтимоий жиҳатни белгилайди. *Кечирим сўраш* хушмуомилалик ва самимийлик позитивликни кўрсатиш истаги билан характерланади.

Инглиз лингвомаданиятида мулоқотни баъзи нюанслар жумладан, *Have a nice day* билан тугатиш ҳам мулоқотга коммуникантларнинг позитив мақсадлигини ва нутқ этикетининг нормаларига таянган ҳолда мулоқотни яқунлаётганини кўрсатади. Ўзбек мулоқотида ҳам бундай нюанслар (Кунинигизни яхши ўтказинг) мавжуд бўлиб, ўз навбатида бу сўз бирликлари оғзаки дискурстан кўра кўпроқ расмий мулоқотларда кузатилиши мумкин.

Масалан; *Have a nice day, Peter! I hope you enjoy the party*

*Кунингизни яхши ўтказинг, хўжайин!*

Бундан ташқари инглиз лингвомаданиятида позитив ва мулойимликни нутқ актлари сифатида кўрсатиш формалари бўлиб, мулоқотдаги коммуникантларнинг ўзаро коммуникатив мақсадларини коммуникатив вазиятда ифодалашда ишлатилади. “*Would You Mind...?*” сўз бирикмаси, илтимосларни юмшоқ маънода илтифот билан сўрашда ифодалаш учун ишлатилади. “*Would you mind*” билан бошланган саволлар иложи борича мулоқот иштирокчиларининг коммуникатив мақсадини юмшоқ ва одоблилик

билан ифодалашни кўрсатади. Масалан, *"Would you mind closing the door?"* (*Эшикни ёпишимга қаршмасмисиз?*) сўз бирикмаси илтимосларда ортиқча босим кўрсатмасдан ижобий муносабатни бўлишни тақозо этади.

*Would you mind if I take this book for a week? Oh, sure.*

*"Could you please"* ва *"Can you ... please?"* сўз бирикмалари, кимнидир биз учун бирор ишни бажаришни илтимос қилиб сўраганимизда ишлатамиз. Бу ибора ҳам, мулоқотда юмшоқлик ва одобни сақлашда муҳим рол ўйнайди. Масалан, *"Could you please help me with this?"* (*Мана шу ишда менга ёрдам бераолосизми?*) сўзи, инсонларга боғлиқ саволларни ўзгартирмай, уларнинг қийинчиликларига таъсир кўрсатмасдан ёрдам сўрашига урғу беради. Қуйидаги ҳолатда инглиз бизнесмени ўз секретарига буйруқни ўз касбий доирасидан келиб чиқиб, лингвопрагматик услубда нутқий одоб ахлоқ нормаларидан четга чиқмаган ҳолда, мурожаат қиляпти. *"Could you possibly type these letters? Or "Could you possibly trouble you to take a moment to do this?"* Контекстан шуни англаш мумкинки, у ўз секретаридан шикоят қилаётганини, лекин шунга қарамай, инглиз лингвомаданиятига хос юмшоқлик билан буйруқ шаклини ифодалаяпти.

*"Welcome"* ибораси инглиз лингвомаданияти мулоқотининг расмий норасмий услубига хос бўлган функцияси мавжуд бўлиб, коммуникация вазиятида коммуникантга ҳурмат ва эҳтиромни юқорилигини белгилайди.

*Масалан; Good afternoon! Welcome to Johnson Airways!*

Инглиз тилидаги нутқий этикет маданий қоидалар ва нормаларга асосланган бўлиб, улар тузилиш ва тартибга қаратилган. Маданий ўзига хосликлар қуйидагилар:

Инглиз тилида мулоқотда шахсий ҳудуд (личное пространство, privacy) га ҳурмат кўрсатиш муҳим ҳисобланади. Бу, одамларнинг хусусий саналган объектларига эътиборли бўлиш ва уларнинг шахсий маълумотларини ортиқча ошкор қилмасликни ўз ичига олади. Мулоқотда шахсий ҳудудга ҳурмат, аниқ ва очиқ фикр алмашиш, уларнинг шахсий ҳаётига тўғри мурожаат қилишга асосланади. Шунингдек, ўзбек мулоқотидан фарқли инглиз тили мулоқотида, ёш ва ёши катта шахслар мулоқотида агар уларнинг ёшига тааллуқли бўлган бирон шахсий маълумот айтилганда, бу мулоқотнинг муваффақиятсизлигига олиб келиши мумкин.

Масалан;

*А; Тасаввур қилинг сиз қариясиз?*

*Б; Бира тўла қабрга тиқиб қўяқол мани!?*

Кўриниб турибдики, инглиз лингвомаданият мулоқотида бошқа миллат вакилининг инглиз тилида ифодалаган гапи маҳаллий ёши катта коммуникант учун қўпол саналди, ва у бу лексик бирлик формага киноя тарзда жавоб бериб, ўзининг мулоқотга позициясини негативлигини кўрсатиб қўйди, гарчи бошқа лингвомаданият вакилини мулоқотида буни фақат “*мисол келтириши*” тариқасида ифодалаган бўлса ҳам.

Инглиз тилида шахсий маълумотларни ошкор қилиш, масалан, молиявий ҳолат ёки оилавий муносабатлар, шахсий эмоционал-экспрессив ҳолатни кўрсатиш кўпинча кўзга кўринарли мавзу эмас. Бу, одамлар ўртасида турли конфликт ва кераксиз боғлиқликлардан қочишга ёрдам беради.

Ўзбек маданияти вакиллари мулоқотида эса бироз фарқли жиҳатлар бўлиб, улар мулоқотни асосан шахсий маълумотларга очиқлик доирадаги маълумотлар билан бошлашга мойиллиги билинади. Айниқса, бу кучсиз жинс вакиллари билан боғлиқ бўлса.

Масалан;

*-Нечинчи йилсиз?*

*-1988, сизчи?*

*-1995, Боллариз нечда?*

*-Ҳозирча 1 та қиз*

Мулоқотда ўзбек аёлларининг норасмий танишиш жараёнидаги мулоқоти акс этган бўлиб, бундай шахсий ҳудудга таълуқли бўлган маълумотлар билан мулоқотни бошлаш иккала коммуникант учун ўзаро ҳурмат доирасида ва мулоқотнинг позитив ўрнатиб олишида муҳим рол ўйнайди. Шунингдек, ўзаро ёш фарқларига қараб туриб, кичик ёшдаги коммуникант ёши катта коммуникантга ўз ҳурмати кўрсата олиши учун ҳам ёшини билиб олиши муҳим саналади.

Бунда ташқари, ўзаро таниш лекин жуда яқин бўлмаган доираларда, масалан ҳамкасблар ёки яқинда танишганлар орасида ҳам оилавий масалалар ҳақида мулоқотда келтириб ўтиш, мулоқот иштирокчиларининг бир бирини яхшироқ тушуниб олишида ва коммуникация жараёнида коммуникатив мақсадни ифодалашда муайян тарзда қўл келиши мумкин.

Масалан;

*Мани қайнонамлар манга уй ишларини буюрмасала туrolмидилар.*

*Хўжайинимлардан роса гап эшитдим шу масалада ўзиям.*

Инглиз тили мулоқотида расмийлик ва ўзгаришлар кўпинча жамиятдаги ижтимоий позицияларга қараб белгиланади. Тадбиркор ва расмий доираларда "Mr.", "Mrs.", "Ms." "Sir", "Madam" "Ma'am" "Comrade" "Citizen" каби сўзлардан фойдаланиш, жамиятдаги тартиб ва адобни сақлашга ёрдам беради. Бу лексик бирликлар мурожаат қилинаётган коммуникантнинг исми билан ҳам айтилиши мумкин. Масалан, *Mr. Rodger, Miss Ellie, Mrs Johnson,*

*Масалан;*

*A: What's your ticket number, madam?*

*B: My seats is 24D*

*A: Right this way, please!*

*A: Can we get anything to drink and to eat on the board?*

*B: yes, ma'am. There is a snack bar*

Инглиз лингвожамияти вакиллари коммуникация жараёнини мулойим ва мулоқотга мойиллигини намоён қилишда, мулоқотдаги инициализацияни асосан бугунги об-ҳаво, унинг ўзгаришлари ҳақидаги информация билан бошлашни афзал билишади. Масалан, *What a lovely weather, right?!*

Кўриниб турибдики, иккила лингвожамиятнинг коммуникатив маданиятини ижтимоий қоидалар ва нормалар устунлиги ташкил қилади. Нутқ коммуникациясидаги одоб ахлоқ, коммуникатив мулоқотнинг конвенционал доминантлигини ифодалаш мумкин, аммо коммуникантнинг идрок этиши мафкуравий ва турли маданиятларда унинг ижтимоий мавқеига қараб, нутқ одоб ахлоқ қоидалари фарқланади.

Мулоқотдаги нутқ этикети бирликларидан саналган фатик тил, коммуникацияни бошлашда муҳим саналади. Инсон мулоқотида фатик конвенционаллик, коммуникатив ва маданиятлараро тилшуносликнинг қизиқтирган сфераларига киради. [1;2;3;]. Т.Г Винокур нутқ хатти ҳаракатларининг функционал турларини белгиловчи информатив ва фатик ниятлар жамиятнинг коммуникатив меъёри сифатида, нутқ формаларининг мутлақ кўпчилигида мавжуд деб ҳисоблайди аммо бу фатик нутқ шахсни лингвистик шахс сифатида ифодалайди, чунки "унинг нияти- нутқ алоқасига киришдир ( алоқа қилиш, уни қўллаб қувватлаш, текшириш, кенгайтириш)". [3; 136] Фатикнинг функционал коммуникатив аҳамияти ижтимоий- маданий

вазифани ҳал қилишга хизмат қилади. Ҳаётнинг барча соҳаларида нормал шахслараро муносабатларни таъминлаш, ва сақлаш, меъёрлар бузилган тақдирда эса махсус нутқ формалари ва тил воситалари ёрдамида тузатиш мумкин деган хулосага келишимиз мумкин. Фатик алоқа шакллари нутқ хатти-ҳаракатларининг анъанавий барқарор сифатлари, шунингдек, нутқ одоб ахлоқ қоидаларининг очик намоён бўлиши, шахслараро муносабатларда хушмуомилалик ва унинг меъёрларига риоя қилиш талабларини бажариш учун юқори даражадаги ритуал нутқ хатти-ҳаракатлари билан ажралиб туради. Айнан фатик алоқа шахслараро алоқаларни ўрнатиш, қўллаб қувватлаш, ва тузатиш, кейинги мулоқотнинг муваффақиятини таъминлаш функцияларни амалга оширади. Фатик нутқ формалари коммуникантлар ўртасидаги муносабатни яхшилашга, сақлашга, мулоқотда ўз мақомини ўрнатишга ёрдам беради [1;2;]. Коммуникантлар мулоқотида контакт импульси шахсий мақсадларга боғлиқ бўлиб, информацион баёнот иккинчи даражали бўлади ва бу коннатив режа устунлигини намоён қилади.

Инглиз ва ўзбек лингвожамятининг коммуникацияси жараёнидаги нутқ одоб ахлоқ нормалари, ритуалга асосланган нутқ этикети формалари ва уларнинг функциялари солиштирилган таҳлили, уларнинг лингвопрагматик ва маданий аспектларини ўрганишга ёрдам беради, шунингдек, маълум конвенцияларга эга, шаклланган ва шаклланаётган нутқий этикет фрагментларини контекстуал таҳлил қилиш билан бу лингвожамятларнинг мулоқотидаги коммуникантларнинг прагматик хусусиятини аниқлаш имконияти намоён бўлади. Ўзбек ва инглиз тилларидаги нутқий этикетнинг ўхшашликлари ва фарқлари, мулоқот жараёнидаги рольлари аниқланади. Бу бўлимда, икки тилнинг нутқий этикет элементлари ўртасидаги асосий фарқлар ва умумийликлар таҳлил қилинди.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Ларина Т.В «Категория вежливости в английской и русской коммуникативных культурах» Издательство Российского университета дружбы народов, 2003; 315 с
2. Формановская, Н.И Речевой этикет в русском общении. Теория и практика/ ВК, 2009; 333 с
3. Винокур Т.Г. Говорящий и слушающий. Варианты речевого поведения / Т. Г. Винокур. – Наука, 1993; 136. с
4. Леонтович О.А. Россия и США: введение в межкультурную коммуникацию/ Волгоград: Перемена, 2003; 198 с].

5. Карасик В. И «Язык социального статуса» Институт языкознания А.Н. СССР, ВПИУ, 1992-108 с
6. Oxford Student's Dictionary. ed/ by R.F. Allen- Oxford University Press, 2002-814 page]
7. Longman Dictionary of Contemporary English – 4th ed Pearson Education, 1995-1450 page
8. Oxford Popular English Dictionary, 3rd; ed Oxford University Press, 2000- 641page
9. Lakoff R. The Logic of politeness: or Minding yours Ps and Qs/ papers from the Ninth Regional meeting of the Chicago linguistic Society 1973; pp 292-305
10. Rathmayr R. “Pragmatics of Apology; Comparative Research on the Material of the Russian Language and the Russian culture” Moscow, 2003-272p
11. Fox, K. Watching the English. The hidden rules of English behaviour- London: Hodder, 2004-408 page
12. Bikmullina E.R and Zamaletdinov. R.R. 2020 “Linguocultural analysis of the most common greetings in the Russian, Tatar and Chinese languages. 520-534 pp
13. Brown P. S.C. Levinson: “Some universals in language usage”; 1987, 62-129 pp]

#### Веб саҳифалар:

1. [https://youtu.be/thbXVPHRZ\\_M?si=4-SNeAFWJnMCzWkD](https://youtu.be/thbXVPHRZ_M?si=4-SNeAFWJnMCzWkD)
2. [Learn English Conversation Oxford English daily conversation part I]